

Жиноят қонуни санкциясида белгиланган жазодан ҳам камроқ жазо тайинлаш учун суд ЖК 57- моддасини қўллаши шарт.

Пахтакор туман суди томонидан Б. ЖК 169-моддаси 2-қисмининг «г» банди билан бир йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Апелляция инстанцияси суди ҳукми ўзгаришсиз қолдирган.

Суд ҳукмига кўра, муқаддам икки маротаба судланган Б. 2002 йил 20 март куни Р.нинг ҳовлисига ғайриқонуний равишда кириб, унинг қўйхонасидан икки бош, жами 110.000 сўмлик қўйларини ўғирлаган.

Жиноят кодекси 169-моддасининг 2-қисми санкциясида уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо белгиланган.

Туман суди Б.га нисбатан жазо тайинлашда иш бўйича жазони енгиллаштирувчи бир қатор ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат деб, тўғри хулосага келган бўлсада, бироқ ЖК 57-моддасини қўлламаздан, қонун санкциясида кўрсатилганидан ҳам камроқ жазо тайинлаган.

Вилоят суди раёсати юқорида келтирилган асосларга кўра суд қарорларини ўзгартириб, Б.га нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаган ва, тайинланган бир йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўзгаришсиз қолдирган.